

YOSHLAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

MUNOSABAT

ПРЕЗИДЕНТ ИШОНЧИ – ҲАМ ШАРАФ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

Давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига ташрифи одамлар қалбида бугундан шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғуларини янада мустаҳкамлади. Зеро, амалга оширилаётган ислохотлар самараси жойларда рўй бераётган уқан ўзгариш ва янгиликларда янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Наргизахон АМИНОВА,
Марғилон шаҳридаги “Нарим-
текс” масъулияти чекланган
жамияти раҳбари:

– Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари одамларнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашига хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг қорхонамизга ташрифи бизни ғоят тўқинлантириб юборди. Ишчилар билан мулоқот самимий ўтди.

Замонавий қорхонамизда кенг қўламли модернизация ишлари амалга оширилиши натижасида ички ва халқаро бозорда харидоригир бўлган ўнлаб турдаги аёллар кийим-кечаги ва қишки либослар тайёрланмоқда. Айниқса, аёллар пальтоси юқори сифати, ўзига хос дизайни ва бежиримлиги билан ажрالیб туради. Бу ерада йилга ўртача 45 минг дона аёллар пальтоси ишлаб чиқариш қуввати мавжуд. Ҳозирги кунда маҳсулотларимиз асосан МДҲ давлатлари ҳамда Исроилга экспорт қилинаётган. Ички бозорда ҳам қорхонамиз маҳсулотлари бренд даражасига етган, деб бемалол айта оламиз.

Президентимизнинг қорхонамизга ташрифи чоғида бизнес-лойиҳанинг иккинчи босқичи – жун аралашмалар матолар ишлаб чиқариш инвестиция лойиҳаси тақдимоти ўтказилди. Бу лойиҳа ҳарбий ва давлат хизматчилари кийимлари хом ашёсини маҳаллийлаштиришни назарда тутди. Айни пайтда ушбу хом ашё валюта ҳисобига четдан келтирилади. 2024 йилга қадар амалга оширилиши режалаштирилган мазкур лойиҳа йилга 2 миллион погонметр маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини яратди.

Ташриф чоғида берилган топшириқлар асосида мутахассислар билим ва малакасини ошириш, хорижий давлатларда савдо уйлари очиб борасида ҳам аниқ тадбирлар белгилаб олдик. Президентимизнинг бу тавсиялари бошлаган ишимизнинг эртаси порлоқ эканига ишончимизни янада мустаҳкамлади.

Мастураҳон САЙФУДДИНОВА, “Фарғона анорчилик” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги агрофирма раҳбари:

– Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 22-23 июнь кунлари вилоятимизга ташрифи чоғида анорчиликни ривожлантириш лойиҳаси тақдимотини ўтказган эдик. Ушунда Президентимизнинг мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаши бизга катта куч-ғайрат бағишлади. Фарғона анорининг ноёбли-

ги шундаки, унинг пўстлогидан тортиб ички қобиғи, меваси, шарбати, уруғи, пояси, илдизи-гача шифобахш. Биз бу соҳани янада ривожлантириш, анорнинг янги навларини кўпайтириш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширмоқдамиз.

Президентимиз ташаббуси билан вилоятимизда мазкур тармоқ яна ўз мавқени тиклаётгани қувонарлидир. Айни пайтда анор етиштириш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни экспорт қилиш ва экотуризм хизматлари кўрсатишга ихтисослашган агрофирма-нинг умумий майдони 300 гектардан ошди. 2025 йилга анорзор майдонини 2 минг гектарга етказиш режалаштирилган бўлиб, анорзорлар тўлиқ ҳосилга кирганидан сўнг йилга 10 минг тонна маҳсулот етиштирилади.

Давлатимиз раҳбари яқиндаги ташрифлари давомида агрофирма-мизда бўлиб, амалга оширилаётган ишлар билан танишди, тақлиф ва тавсиялар берди. 2018-2020 йилларда инвестиция дастури доирасида агрофирмага Исроил, Италия ва Голландиядан қаддоқлаш, маҳсулот қабул қилиш, ювиш ва саралаш ускуналари, музлаткич агрегатлари келтириб ўрнатиш мўлжалланмоқда. Бу йилга 2 минг 400 тонна шарбат, 3 минг 600 тонна сараланган анор дончалари, 4 минг тонна қаддоқланган анор тайёрлаш имконияти беради.

Табиики, бундай изчил саъй-ҳаракатлар илғор инновацион технологиялар ва илмий ишланмаларни амалга келтириш жорий этишни тақозо этади. Шу мақсадда Президентимиз топшириғи асосида Фарғона давлат университетига анорчиликни ривожлантириш кафедраси ташкил этилди. Бу экспортбон янги навлар яратиш, даромад манбаларини кўпайтириш ва малакали кадрлар салоҳиятини қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Қишлоқ ҳўжалиги, Инновацион ривожланиш вазириликлари ҳамда Фарғона вилояти ҳўкимлиги 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб анорчилик хўжаликларига олий малакали кадрлар тайёрлаш учун Фарғона давлат университетига «Агрономия» (анорчилик) таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш, кафедра ва магистратура мутахассисликларини очошига келишиб олди. Бу соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этиши шўбҳасиз.

ЎЗА муҳбири
М.СУЛАЙМОНОВ
ёзиб олди.

XALQARO HAMKORLIK

CNS – TAҲРИРИЯTIMIZ MEҲMONI

Хитой ахборот агентлиги (CNS) вакиллари “Yoshlar ovozi” ва “Молодежь Узбекистана” газеталари фаолияти билан танишди



Махсус делегация таркибида юртимизга ташриф бурган агентликнинг Синьзян филиали директори Ли Дэхуа ҳамда муҳаррир Ян Вен Лу ёшлар нашрлари таҳририятидаги ижодий ва техник жараёнини кўздан кечирди. Ходимлар билан мулоқот қилиб, ўзаро фикр алмашди.

Меҳмонларга материалларни тайёрлаш, таҳрир қилиш ва саҳифалаш, чет муаллифлари билан ишлаш тажрибаси, газеталарни мазмунан бойитиш ва дизайнини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ташаббуслар, ёшлар аудиторияси учун керакли ва фойдали ахборот излаш ҳамда таҳририят медиа маҳсулотларини омма-лаштиришда интернет имкониятларидан нечоғлиқ фойдалани-

лаётгани, иккала нашрларнинг веб-сайтларини юритиш тартиби ҳақида маълумот берилди.

Ўз навбатида, меҳмонлар ҳам Хитой ахборот агентлиги томонидан узатилаётган материалларнинг сифат ва салмоғи, йўналишлари, кўп ёритиладиган мавзулар ҳусусида атрафичина тўхтади. Агентлик матн, фото ва видео форматдаги кундалик хабарлар тайёрлаш билан чекланиб қолмай, ўз газетаси ва ҳафталик журналига ҳам эга экани қайд этилди.

– Ҳозирда хорижий оммавий ахборот воситалари, хусусан, Марказий Осиё давлатларидаги босма даврий нашрлар билан ҳамкорлик ўрнатиш ва бу борадаги алоқаларни кенгайтиришга ҳаракат қилишимиз, – таъкидлади Ли Дэхуа. – Ўзбекистоннинг медиа макони

ҳозирча биз учун очилмаган кўриқ. Аммо умумий мавзуларимиз бисёр. Ёшлар масаласи шулар жумласидан. Мамлакатингиз аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилишни эшитдим. Улар орасида ватандошларимиз ҳам бор. Шу билан бирга, қўллаб-қўзғатишнинг Хитойда таълим олапти. Ҳар иккала аудитория қизиқшарига мос руқн ва саҳифалар тайёрласак, фойдадан холи бўлмасди.

Мулоқот чоғида шунга ухшаш бошқа тақлифлар ҳам ўртага ташланиб, муҳокама қилинди. Келгусида уларни амалга ошириш бўйича ташкилий ва ҳуқуқий механизмлар ўрганиб чиқилдиган бўлди.

Наргиза УМАРОВА

ОҚ ЙЎЛ, КУРСАНТЛАР!



AKS-SADO

ЯНГИ УНИВЕРСИТЕТДА ЎҚИЙМАН

Ўтган куни дўстимни учратдим. Қўшимча дарслардан қайтаётган экан. Бироз сўхбатлашдик. Гап-сўзларидан таёргарлиги авжиде эканини пайқадим. “Бу йил, албатта, янги университет талабаси бўламан”, – деди у. Гап Президентимизнинг жорий йил 24 майдаги қарори асосида ташкил этилган Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳақида кетаётганиди. Шу қарорни ўқиб чиқиб, роса севиндим. Янгиликлардан уйдагиларни хабардор эдим. Дадам, онам хурсандчилигимга шерик бўлди. Сабаби бор.

Ҳозирги кунда юртимизда 1 минг 500 дан ортиқ оммавий ахборот воситаси фаолият кўр-

сатмоқда. Малакали журналист кадрларга талаб ҳам шунга яраша юқори. Таассуфки, ҳозирча уларга тўлиқ ёлчиётганимиз йўқ. Янги университет айнан шу муаммо ечимига хизмат қилиши керак.

Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети-га абитуриентлар нафақат тест синовлари, балки уларнинг касб лаёқатини аниқлашга қаратилган ёзма ва сўхбат шаклидаги ижодий имтиҳон асосида ҳам қабул қилиниши алоҳида эътиборга молик жиҳатдир.

Яна бир хушхабар: тўлов контракт асосида ўқийдиган баъзи талабаларга шартнома пули уни ишга оладиган ташкилот ёки муассаса томонидан тўлаб

берилиши мумкин. Қарорда кўрсатилишича, бундай ҳолда талаба ўқини битиргач, беш йил ишлаб бериш мажбуриятини бўйинига олиши керак. Ана сизга имтиёз! Ота-оналарнинг ҳам оғири анча енгиллашади. Асосийси, ўқини тасомлаган талаба иш қидириб сарсон бўлмайди.

Хуллас, имкониятлар бисёр. Бунга муносиб бўла олсак бас. Биздан фақат ўқиш ва ўқиш талаб қилинади. Азиз тенгдошим, бор иқтидоримизни намоён этиб, юрт келажаги ишончли қўлларда эканини исботлайлик.

Ҳа, айтганча, бу йил мен ҳам янги университет талабаси бўлишга қарор қилдим.

Отабек ИСРОИЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ I ҚУРУЛТОЙИГА

11
КУН ҚОЛДИ

Ёшлар иттифоқи томонидан Жиззахнинг Дўстлик туманида истиқомат қилувчи Сардор Рустамов ва Ҳамиджон Раимовга бокс бўйича Пекин шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақага бориб-келиши учун ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

IJOD VO'STONI

“ЮРТИМ ЁШЛАРИ ҲАЁТИ”

республика танловининг
яқуний босқичи бўлиб ўтди



Ўзбекистон Бадий академияси, Ёшлар итти-

фоқи, Камолддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамкорлигида ташкил этилган беллашувда Республика ёшлар маркази ҳудудий бўлимларидаги тасвирий санъат тўғараклари аъзолари иштирок этади.

Ёшлар ижод саройида ўтказилган финал бах-

сида 28 нафар ўғил-қиз маҳоратини намоён этди. Даставвал улар тасвирий санъатнинг турли йўналишларида яратилган ижод намуналарини намоён этган бўлса, кейин натюрморт чизишга киришди.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Мафтуна НОРМАТОВА

ЮКСАК ИШОНЧ – УЛУҒ ШАРАФ!

3



ITTIFOQ KAFILLIGI OSTIDA

МАНА СИЗГА ИБРАТЛИ ОИЛА!

Роҳатой ҚОДИРОВА

Хом сут эмган бандамиз. Ногаҳон хато қилиб, бутун ҳаётимиз остин-устун бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Маҳалла-қўйда яхши ном чиқарганингу баобрў одамлар арзандаси эканинг ҳам бир пулга айланади шунда.



Отабекка оид жиноят иши Янгийул шаҳар касб-хунар коллежиди очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқилди. Унда кенг жамоатчилик, шу жумладан, Ёшлар иттифоқининг туман кенгаши вакиллари ҳам қатнашди. Иттифоқ муассислигидаги Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши экспертлари судланувчининг муҳожаатиға биноан жиноят иши тафсилотларини ўрганиб чиқди. Маълум бўлишича, йигит қилмишидан чин дилдан пушаймон, оиласи эса, жабранувчи ва фуқаровий давьогарға етказилган зарарини қўлаб берган. Шуларға асосланиб, кенгаш Отабек Ашуровни қафилликка олади ва унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чорасининг тайинланишиға эришди. Яқинлари бағриға қайтган тенгдошимиз бундан буюн фақат ҳалол меҳнат қилиб, тўғри яшашиға сўз берди. Ҳозир у Ёшлар иттифоқи аъзоллиғиға қабул қилинган, ҳадемай бандлиғи ҳам таъминланади.



23 ёшли Отабек Ашуров (исм-шарифи ўзгартирилган) ибратли оила фарзанди. Ўзи ҳам оила кўрган. Шу чоқдача бирон марта ноқоиз иш қилмаганди. Ҳаваста лойиқ бу йигит кун келиб жиноят содир этишини ким ўйлабди дейсиз. Отабекни шайтон йўлдан ўрди — уфатларға қўшилди, шаҳардаги кафелардан бириди спиртли ичимлик истеъмол

қилиб, роса маишатта берилди. Тунда уйиға пиёда борар экан, бир қиз телефонда гаплашиб кетаётганини кўрдию, шу буюмға эға чиққиси келди. Куч ишлаб, қизға енгил тан жароҳати етказган ҳолда, телефонни тортиб олади. Кейин ўйрилган матоҳни қариндошиға 400 минг сўмға пуллайди. Қинғир ишнинг қийиғи чиқмаса кошқийди. Кўп ўтмай, муштумзўр

ридан юкни автомашинасиға ортиш кераклиғини айтади. Йигит ҳамроҳини ёниға олиб, юмушни бажаришиға отланади. Олдинда уларни нималар кутаётганини қаердан ҳам билсин дейсиз.

Хуллас, Тўймурод ва Камолидин нафсининг қўлиға айланган Н.Шобековнинг касриға қўлиб, Саидулло Маткаримовға тегишли умумий қиймати 81 миллион сўмлик мулкни талон-тарож қилганликда айбланиди. ... Хўкм ўқилди. Жиноят ишлари буйича Тошкент шаҳар Олмасор тумани суди томонидан йигитларнинг ҳар бириға уч йилдан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Президентимиз ташаббуси билан билиб-билмай жиноят содир этганларни жамоат ташкилотлари қафиллиғи остида қамқоқ жазосидан озод этиш амалиётининг жорий этилгани улар учун наҳот бўлди. Йигитлар Ёшлар иттифоқи қафиллиғи остида суд залидан озод этилди.

ОСОН “ЎЛЖА” ТАТИМАДИ

Даврон ШОАЗИЗОВ, Жиноят ишлари буйича Тошкент шаҳар суди судьяси

Фарзанд худди ниҳол — яхши парвариш қилинмаса, эгри ўсади. Ота-онанинг вазифаси болаға чиройли тарбия бериб, ҳулқ-одобға ўргатишидир. Бу борадаги эътиборсизлик жиддий кўнгилсизликларға сабаб бўлиши мумкин.

Бухоролик Камолидин Мусоев оилада эрка фарзанди эди. На им олиш, на хунар ўрганишиға иштиёқ билдирди. Енгил-епли ҳаёт тарзиға ўрганиб қолгани учун 25 ёшға кириб ҳам бирон ишнинг бошини тутмаганди. 2014 йили ҳамқишлоғи, ўзига

ўхшаган бекорчи Тўймурод Муҳаммадов билан ошна бўлди. Иккиси иш излаб пойтахтнинг Отчопар бозориға келди. Бу ерда аравақашлик билан шуғулланди. Жорий йилнинг 2 апрелида Тўймуроднинг олдиға Н.Шобеков келиб, Олмасор туманидаги “Жомий” бозо-

BELLASHUV

Шавкат ҚАРОМОВ

ЗАП ПОЛВОНЛАР!

Якжабоғ туманида уюшмаган ёшлар ўртасида миллии кураш мусобақаси бўлиб ўтди



Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган беллашувнинг очилиш маросимида мамлакатимизда ҳалоллик, бағрикенглик ва инсонпарварлик фазилатларини ўзида мужассам этган миллии спортимизни янада ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар хусусида сўз юритилди. Мусобақа давомида 200 нафарға яқин ёш полвон гиламға

чиқди. Қизгин ва мурасасиз кечган баҳслар якунида голиблар аниқланиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. — Кураш нафақат жисмонан соғлом, балки мустаҳкам ирода соҳиби бўлишиға кўмак бермоқда, — дейди голиблардан бири Санжар Турсунов. — Келажакда Ватанимиз байроғини дунё майдонларида баланд кўтаришни мақсад қилганман.



XAYRIYA

Сумбулой НУРМЕТОВА

МЕҲР-МУРУВВАТ УЛАШИЛДИ

Ёшлар иттифоқининг Хоразм вилояти кенгаши Миллий гвардиянинг худудий бўлими билан ҳамкорликда “Ҳеч ким меҳр-мурувватдан четда қолмасин!” шиори остида хайрия тadbирини ўтказди.



Урганч шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб ўтган тadbирда ҳарбий қисм кўмондони, майор Фахриддин Абдуллаев ва Иттифоқнинг вилоят кенгаши раиси Мансурбек Машарипов сўзға чиқиб, Ватанға садоқатни кучайтиришиға доир фикрлари билан ўртоқлашди. Миллий гвардия фаолиятиға оид видеоролик ҳамда аскарлар иштирокида кўргазмали чиқишлар намойиш этилди. Умидли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларға хуш кайфият ўлашди. Якунда жисмоний имконияти чекланган ва кам таъминланган оилалар фарзандлариға эсдалик совғалар топширилди.

YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

64 ЛОЙИҲА ВА 308 ИШ ЎРНИ

Санжар ЭШМУРОДОВ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан йигит-қизларни тadbиркорликка жалб этиш борасида қатор ишлар амалға оширилмоқда.

Жумладан, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган ёшлар учун ноль қийматда бинолар бериляпти. Тижорат банклари билан имзоланган меморандумларға кўра, шу кунгача Иттифоқ тавсияси билан 1 минг 300 нафарға яқин тенгдошимизға имти-

ёзли кредитлар ажратилди. Бундай савий-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугунги кунда ёш тadbиркорлар сони 115 минг нафардан ошиб, улар 22 мингдан ортиқ иш ўрнини яратди. Ташқи иқтисодий фаолият

Миллий банки томонидан ўтказилган матбуот анжуманида маълумот берилганидек, муассаса томонидан ёшларнинг 64 та бизнес лойиҳаси учун 3 миллиард 456 миллион сўм кредит маблағи ажратилган. Натижада 308 та иш ўрни яратилди. — Ёшлар иттифоқи билан тузилган меморандумда ёшларни тadbиркорликка жалб этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш талаблари қўйилган эди, — дейди банкнинг ёшлар билан ишлаш бўйича маслаҳатчиси Умид Валиев. — Бироқ Иттифоқ тавсияси билан имтиёзли кредитта эға бўлиб, маблағни тоғасининг уйини таъмирлашға, акасининг тўйини ўтказишға сарфлашни ният қилганлар ҳам учраяпти. Бундай фирморларнинг кирдиқорлари барибир ошқор бўляпти. Биз ҳалол рақобат тарафдоримиз. Бу борадаги ташаббусларни ҳамиша қўллаб-қувватлаймиз.

TASHABBUS

УЛАРНИНГ ЎЗИ НАМУНА

Отaxon РАЗИМ



Лойиҳаға тақлиф этилган ички ишлар ва соғлиқни сақлаш бошқармалари мутахассислари, Миллий гвардия вакиллари ўғил-қизларға гиёҳвандликнинг янғичи оқибатлари ва улардан сақланиш йўллари ҳақида

Ёшлар иттифоқининг Хоразм вилояти кенгаши ташаббуси билан “Гиёҳвандликка қарши курашиш ойлиғи” доирасида “Жайхун қуёши” болалар соғаломлаштириш оромгоҳида тарғибот тadbирлари ҳамда спорт мусобақаси ташкил этилди.

аниқ мисоллар асосида сўзлаб берди. Тadbир давомида ўқувчиларға “Умр завоми”, “Соғлом турмуш тарзи — ҳаёт мазмуни” деб номланган тасвирчан видеороликлар намойиш этилди. Ёшлар мавзу юзасидан уларнинг қизиқтирган саволларға жавоб олади. Шундан сўй спорт мусобақасиға старт берилиб, голиблар эсдалик совғалар билан тақдирланди.



— Ёшларни иллатлардан огоҳ этишға қаратилган тарғибот ишларини йил давомида олиб боришни режалаштирганмиз, — дейди Иттифоқнинг Хоразм вилояти кенгаши раиси Мансур Машарипов. — Хусусан, “Гиёҳвандликка қарши курашиш ойлиғи”ға турли соҳаларда сезиларли ютуқларға эришган ёшлар, Давлат муқофотлари соҳибалари, машҳур спортчилар жалб этилмоқда. Чунки уларнинг соғалом турмуш тарзиға амал қилиш яшаётгани, ўзи устида тўхтовсиз ишлаб, юқори марраларни забт эта олгани кўпчиликка ибратдир.

KUCHLI DAVLATDAN KUCHLI FUQAROLIK JAMIYATI SARI

Н.УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР

унинг самарадорлиғиға қандай эришилади?

...Маҳалланинг бу галги фаоллар йиғилиши ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масаласиға бағишланди. Бунга сабаб кўп қаватли уйда истиқомат қилувчи ўсиур қизинг билиб-билмай жиноят кўчасиға кириши эди. Фарзандини ёлғиз вояға етказаятган онанинг боши эғилди. Қўшнлар ўз бефарқлиғидан хижолат бўлди. Маҳалла фаоллари эса ёшлар тарбиясида давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргалликда иш олиб бориши мумкин эканини яна бир қарра теранроқ англади. Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги фуқаролар йиғинларида «Маҳаллаларда аҳоли ўртасида маънавий-маърифий тadbирларни ўтказиш тартиби» мавзусида ўқув семинарлари бўлиб ўтмоқда. Унга шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар буйича ўринбосарлари ҳамда хотин-қизлар қўмиталари раислари, маҳаллалар фаолиятини му-

вофиқлаштириш буйича кенгашларнинг ижро апаратлари ходимлари, маҳалла фаоллари, тегишли комиссиялар раҳбарлари жалб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ги қонуни, соҳаға доир қабул қилинган қарор ва фармонлар, Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тadbиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” да амалға оширишиға оид Давлат дастури маҳаллалар фаолиятини тубдан такомиллаштиришида мумкин омил бўлмоқда. Ўқув семинарлар давомида “Жамоатчилик назорати тўғрисида” ги қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳолиға етказиш ва уни амалиётта татбиқ қилиш, маҳаллаларда ва оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганишиға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирға, жойлардаги ижтимоий объектлар фаолиятини мониторинг қилиш ҳамда аниқланган ижтимоий муаммоларнинг мутасадди ташкилот-

лар томонидан бартараф этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалға оширишида тегишли комиссиялар ва жамоатчилик тузилмаларининг иштирокини кенгайтириш масалалари фуқаролар йиғини ходимларига етказилмоқда. Тингловчиларға маҳалла институтини аҳолиға энг яқин ва халқчил тузилмаға айлантириш учун жамоатчилик комиссиялари ва жамоатчилик тузилмаларининг иштини янада такомиллаштириш зарурлиғи батафсил тушултирилмоқда. Семинарлар давомида маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитта салбий таъсир этувчи ҳолатлар — жиноятчилик, нотинч оилалар, оилавий ажримларнинг сабабларидан келиб чиқиб, уларнинг олдини олишиға йўналтирилган маънавий-маърифий тadbирларни ташкиллаштириш ишларига маҳаллалардаги кўчабошилар, қишлоқбоши, кўп қаватли уй бошлиқлари ҳамда фуқаролар вакилларини кенг жалб этиш ҳақида курсатмалар берилмоқда.

FOYDALANISHNI BILISH KERAK

Шаҳноза ХОЛИҚОВА

Ёшлар иттифоқининг Ургут тумани кенгаши мактаб ва коллеж ўқувчиларида тadbиркорлик кўникмасини шакллантириш ҳамда томорқадан даромад олишға ўргатиш мақсадида сайёр машғулот ташкил этди.

“Томорқам — менинг фойдам” деб номланган тарғибот лойиҳасиға 80 нафар ўғил-қиз жалб этилди. Уларға томорқадан қишлоқ ҳужалиғи махсулотларини етиштириш сирлари ҳақида маълумот берилди. — Қишлоғимизда деярли ҳар бир оиланинг томорқаси

бор, — дейди лойиҳа иштирокчиларидан бири Н.Қобилов. — Ер инсонни боқайди. Ундан унумли фойдаланишни билиш керак, холос. Бугун ўзим шунга амин бўлдим. Энди мен ҳам ёзда тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, оиламға ёрдам бермоқчиман.



MULOHAZA

Исламжон ҚўЧҚОРОВ, журналист

ЧОРРАҲАДАГИ

ЁШЛАР

УЛАР ҚАЙ ЙЎЛНИ ТАНЛАШИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Ҳалимиз ёнида янги чироқлар ўрнатилган. Одам ёки машина яқинлашса ёнади-ю, узоқлашгач ўчади. Фақат биттаси аксинча ишлайди — яқинига борсангиз ўчиб, бошқа пайт беҳуда ёниб тураверади. Ҳар гал ўша ҳолатни кўриб, гашим келади...

Вақт ўтиши билан анъана ва қарашлар муайян маънода ўзгариши мумкин. Лекин қайси томонга? Ҳамма гап мана шунда. "Оммавий маданият"нинг салбий таъсири ва мафкуравий таҳдидлар тобора кучаяётган бугунги даврда ёшларнинг қизиқишлари, орзу-умидлари ва муаммоларига бефарқ бўлмаслик, қалбига ҳамisha кулоқ тутмоқ даркор. Айни масалада лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди. Шу ҳақда ўйлаганда беҳуда ёнадиган ўша чироқ эсимга тушади ва уни ёшлар тарбиясидаги бепарволикка менгайсин.

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан кўпи ёшлардан

иборат. Бу улкан куч демекдир. Ўз навбатида, тенгдошларимиз дунёда содир бўлаётган турли воқеа-ҳодисаларга теран назар солиб, мустақил позициясини билдира олаётгани, жамиятнинг фаол аъзосига айланиши мумкин. Англаб турганингиздек, Ватан келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга қодир ёш авлодни воёга етказиш ниҳоятда долзарб вазифадир. Қорани шунчаки қора деиш билан кич-фояланмай, унинг асл моҳиятини очиб айтиш мумкин.

— Бу ишни, аввало, ёшлар қалбига Ватан ва ота-онага муҳаббатни уйғотишдан бошлаш керак, — дейди ёзувчи ва публицист Хуршид Дустмухаммад. — Инсон ҳаёти давомида жуда кўп одамлар билан танишиши мумкин. Лекин Ватан, ота-она билан танишишмайди. Уларни инсон оламини ва ўзлигини идрок қилиши жара-

ёнида босқичма-босқич англаб боради.

Ёшларни ижтимоий тармоқлар орқали тарғиб қилинаётган ёт гоёлардан асраш, улар камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини яратиш, жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига тўсқинлик қилувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш ҳам бугунги кун талабидир.

— Телефон ёки планшетдан кўча-кўйда ҳам фойдаланаётган ёшлар ҳақида бирдангина салбий фикр билдириш, бизнингча, нотўғри, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоир Нодир Жонузқо. — Балки у ҳали сотувга чиқмаган бирор китобнинг электрон вариантини ўқийётгандир. Биз ҳали у билан суҳбатлашганимиз йўқ, унинг ички дунёсини билмаймиз. Шу маънода ёшларни икки тоифага бўлиш мумкин: биринчисига замонавий техно-

логияларга кўр-кўрона қўл бўлиб қолаётган ёшлар кирса, иккинчисига улардан унумли фойдаланаётган интилувчан ва идрокли ёшлар мансуб.

Ўтган йилнинг 3 май куни Тошкент шаҳридаги П.Ф.Боровский номидаги тиббиёт коллежи талабаси Жасурбек Иброҳимов курсдошлари томонидан аёвсиз калтакланиш оқибаотида беш марта жарроҳлик амалиётини бошидан кечириб, оламдан ўтди. 2017 йил 6 октябрда эса, Тошкент юридик коллежи талабаси ўз курсдошларининг қотилига айланди. Давлатимиз раҳбарини иккинчи қотилик хусусида тўхталар экан: "Қонун ҳимоячисини тайёрлашга масъул булган даргоҳ ўқувчилари оғир жиноят содир этган. Ўқувчи очикдан-очик ёнида пичоқ олиб юрса, унга ҳеч ким индамаса, назорат қилмаса, бунга ким жавоб беради?" — деган эди.

Энди ўйлаб кўрайлик: ушбу муҳим жиноятларнинг олдини ола бўлармиди? Албатта. Ота-оналар, педагоглар, умуман, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳушёр бўлганда, фарзандлар таълим-тарбияси издан чиқиб, ёшлар жувонмарг бўлмас, улар қотилига айланган курсдошлари

эса, умрининг ўйнаб-қуладиган даврини қамоқда ўтказмас эди.

— Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди, — дейди психолог Зилола Тўлаганова. — Оиладаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг бузилиши фарзандни ёмон йўлга бошлаши мумкин. Шунда у ўзи учун нотаниш "кўча эшикларини" тақиллатиб кўради. Ўғрилиқ, таъмағирлик, бировлар мулкига эга чиқиш ва турли хил кўринишдаги жиноятлар содир эта бошлайди. Ёшларни бу йўлдан ота-онагина қайтариши мумкин. Оиладаги муҳит қанчалик соғлом бўлса, болалар иқболи шунчалик порлоқ бўлади.

Президентимиз ёшлар ташкилотининг IV Қурултойидаги нутқида шундай деганди: "Биз ёшларга бепасанд, бегона муносабатда бўлмас, оқибати нима бўлиши аниқ — улар ҳам биздан бегоналашадилар". Дарҳақиқат, ёшларни бир зум бўлса-да, назоратсиз қолдириш ўз келажагимизни олса бўлармиди? Албатта. Ота-оналар, педагоглар, умуман, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳушёр бўлганда, фарзандлар таълим-тарбияси издан чиқиб, ёшлар жувонмарг бўлмас, улар қотилига айланган курсдошлари

лигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини зълон қилди. Давлатимиз раҳбари янги тузилма олдига турган муҳим ва жиддий вазифалар ҳақида гапирди, Иттифоқ ҳар қандай расмийликдан холи, ёшлар манфаатини ҳимоя қиладиган ташкилот бўлиши кераклигини таъкидлади. Шу билан бирга,

оқиб мулоқот ўтказиб, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тузилганини зълон қилди. Давлатимиз раҳбари янги тузилма олдига турган муҳим ва жиддий вазифалар ҳақида гапирди, Иттифоқ ҳар қандай расмийликдан холи, ёшлар манфаатини ҳимоя қиладиган ташкилот бўлиши кераклигини таъкидлади. Шу билан бирга,

лигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини зълон қилди. Давлатимиз раҳбари янги тузилма олдига турган муҳим ва жиддий вазифалар ҳақида гапирди, Иттифоқ ҳар қандай расмийликдан холи, ёшлар манфаатини ҳимоя қиладиган ташкилот бўлиши кераклигини таъкидлади. Шу билан бирга,



ушбу масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, тадбиркор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўйга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиш хизмат қилмоқда. 2017 йилнинг 30 июнида Ўзбекистон ёшлари ҳаётида муҳим воқеа рўй берди. Шу кунги Президентимиз ёшлар билан

DUNYO BIZ HAQIMIZDA



ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ТИЛИДАМИЗ

Президентимизнинг Хитойда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида илгари сурган муҳим ташаббуслари дунё экспертлари доирасида қизгин муҳокама этилди. Айрим мулоҳазалар билан сизларни таништириб ўтамиз.

Германия ташқи сиёсат жамияти (DGAP)нинг Роберт Бош номидаги Марказий ва Шарқий Европа, Россия ҳамда Марказий Осиёни ўрганиш маркази илмий ходими Якопо Пепе саммит натижалари Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларини белгилашда фоят муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаган. Президент Шавкат Мирзиёев бугун Ўзбекистон минтақадаги ўзлари давлатлар, қолаверса, дунёнинг бошқа мамлакат-

лар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга тайёр эканини яна бир қарра намоён этди — дея эътироф этади эксперт. Швейцариянинг "Gate Group" компанияси вице-президенти ва департаменти бошлиғи Томас Бергер эса, ўз мулоҳазаларида давлатимиз раҳбарининг ШХТ доирасида минтақавий транспорт коридорини қуришга доир тақлифини юқори баҳолаб, мазкур ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватлашини айтган.

"BRUSSELS EXPRESS" ЎЗБЕКИСТОНДА "ЖАВОҲИР" ТОПДИ

Бельгияда чоп этилаётган "Brussels Express" журналининг электрон саҳифасида "Ўзбекистон жавоҳирини кашф этиб" сарлавҳали мақола эълон қилинди. У Наманган вилоятига бағишланган.

Материалда таъкидланишича, мазкур ҳудуд мафункор табиати, узига хос анъаналари ва ҳунармандлари билан машҳур. Унинг бағрида қўллаб тарихий осор-атикалар сақланиб қолган. "Наманган катталари жижатидан Тошкентдан кейин иккинчи ўринда туради, — деб ёзди

нашр. — Шаҳарда диққатга сазовор жойлар, кўҳна ёдгорликлар жуда кўп". Мақола муаллифлари Бобур номидаги гузад боғ, 1884 йилда ташкил топган Наманган табиатшунослик музейи ҳамда вилоятдаги бошқа объектлар хусусида ҳам ўқувчиларга батафсил маълумот берган.

"Дунё" АА материаллари асосида тайёрланди.

ЮКСАК ИШОНЧ — УЛУҒ ШАРАФ!

Оттабек ЖИЯНБОВЕВ, "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси

Яқинда Хитойнинг Циндао шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Унда Ўзаро ҳамкорликка оид кўплаб ҳужжатлар имзоланди. Эътиборли жиҳати, Президентимиз тақлифига биноан, ШХТ давлат раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожаати қабул қилинди. Унда ёшларни терроризм ва диний экстремизмдан ҳимоя қилиш, онгу тафаккурини ватанпарварлик ҳиссини сингадириш, миллий урф-одатларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Ундан аввал Юртбошимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида иштирок этиб, бугунги глобаллашув жараёнида ёшларга оид давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат — "Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенция ишлаб чиқишни тақлиф қилган эди. Мазкур ташаббус замирида дунё ёшларининг фаровон ҳаётга мустақил қадам қўйишга бўлган истагини кўриш мумкин.

Президентимизнинг: "Сайёрамизнинг эртанги куни фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зуравонлик фокуси "вирусини" тарқалишининг олдини олишдир", — деган фикри барча давлатлар ва нуфузли ташкилотлар вакиллари томо-

нидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Чунинчи, бу барча раҳбарларнинг дилидаги гаплар эди.

Биз азалдан фарзанд тарбиясига жиддий эътибор қаратиб келётган халқимиз. 1991 йилнинг 20 ноябрида "Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинган эди. Унда нафақат ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсад ва вазифалари, балки ушбу жараёнда бевосита ёшларнинг иштирокини таъминлаш масаласи ҳам ўз аксини топган.

Ахборот-коммуникация технологиялари таъсирида одамларнинг ён-атрофга, воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабати тамомилан ўзгаришти. Натижада, дунёқараш ўзгача, ақл-идроқли, сиёсий ва ижтимоий қизиқишлари хилма-хил янги авлод пайдо бўлди. Бундан ўн беш-йигирма йил олдин қабул қилинган ёшлар

масаласига доир ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ҳам бирмунча эскириб қолганди.

Президентлик лавозимига эндигина сайланган Шавкат Мирзиёев имзолаган биринчи ҳужжат ҳам "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун бўлди. Мазкур ҳужжат мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқбол



барча даражадаги раҳбарлардан ёшлар муаммоларига устувор аҳамият қаратишни талаб қилди. "Энди биз ишларингизни пахта ёки галлага қараб эмас, балки ёшлар муаммоларига, "Ёшлар сиёсати тўғрисида"ги қонунга қандай муносабатда эканлигингизга қараб баҳолаймиз", — дея қатъий ишонч билан гапирди. Шундан сўнг — 2017 йилнинг 6 июлида Президентнинг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадор

лигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини зълон қилди. Давлатимиз раҳбари янги тузилма олдига турган муҳим ва жиддий вазифалар ҳақида гапирди, Иттифоқ ҳар қандай расмийликдан холи, ёшлар манфаатини ҳимоя қиладиган ташкилот бўлиши кераклигини таъкидлади. Шу билан бирга,

лигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини зълон қилди. Давлатимиз раҳбари янги тузилма олдига турган муҳим ва жиддий вазифалар ҳақида гапирди, Иттифоқ ҳар қандай расмийликдан холи, ёшлар манфаатини ҳимоя қиладиган ташкилот бўлиши кераклигини таъкидлади. Шу билан бирга,

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ

"Аҳолининг ижтимоий-маънавий, экологик, тиббий маданиятини оширишда, ижтимоий тадбиркорлик, туризмнинг инновацион турларини жорий этишда ННТлар фаоллигини кучайтириш" мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун танлов эълон қилинди

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг қуйидаги мақсадларини назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа бурортмаомалари қабул қилинади: 1. Давлат органлари билан ижтимоий шериклик асосида ҳудудларда чиқиндиларни иккиламчи қайта ишлашнинг инновацион технологияларини жорий қилишни кучайтириш; 2. Жойлардаги маҳаллий давлат органларига аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманда қатламлари, аёллар, ёшлар ва ногиронларнинг қайта ишлашнинг таъминлашда, уларни халқ ҳунармандчилиги тайёр

маҳсулотларини ишлаб чиқариш, оилавий бизнес ва тадбиркорликнинг турли шаклларида жаб қилишда кўмаклашиш; 3. Соғайқини сақлаш муассасалари билан ижтимоий шерикликда юқумли касалликлар профилактикаси тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг тартиб этиш; 4. Ёшларнинг тиббий-экологик ва ижтимоий-маънавий маданиятини юксалтиришда ННТ ва ОАВ ўртасида ҳамкорлигини кучайтириш; 5. "Маънавият оиладан бошланади" шиори остида хотин-қизлар саломаатлигини яхшилашга қаратилган оилавий кадрларни, соғлом

турмуш тарзини кенг тартиб қилиш; 6. Аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини юксалтириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ОАВ ролин кучайтириш; 7. Ота-она қаровисиз қолган, шунингдек, имконияти чекланган болалар муаммолари бўйича ижтимоий реклама, махсус телекурсув, радиошарҳлар, мақола-лар тайёрлаш, эфирга узатиш, чоп этиш; 8. Аҳоли, авваламбор, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, улар ўртасида маънавий қадриятларни мустаҳкамлаш, мустақил фикрлашнинг шакллантиришга кўмаклашиш; 9. Давлат органлари билан ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, сифатли коммунал хизматлар кўрсатишга, аҳолининг маънавий яшаш шароитларини яхшилашга кўмаклашиш; 10. Чиқиндиларга иккиламчи ишлов бериш жараёнини янада кенгайтириш, ижтимоий инфратузилма объектларида замонавий инновацион энергия ва сув тежаш технологияларини қўллашга кўмаклашиш; 11. Жамиятнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини оширишга кўмаклашиш, миллий қадриятларни мустаҳкамлаш, жамиятда юксак маънавият ва соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш;

12. Оилада тиббий маданиятни шакллантириш ва ошириш, тўғри овқатланиш, камқонлик ва гигиена соҳасида қизларнинг тиббий маданиятини юксалтириш; 13. Ёш авлодини маънавий тарбиялаш даражасини ошириш, ёшларни гиёвандлик, ахлоқсизлик ва зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш; 14. Ёш авлодини тарбиялаш жараёнида таълим муассасаларининг оила ва маҳалла институтлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, уларда эстетик дид, ўзбек халқининг миллий, тарихий ва маданий меросини, бой тарихини, мустақил Ўзбекистоннинг замонавий ютуқларини ҳурмат қилиш ҳиссини шакллантириш;

15. Туризмнинг тарихий-илмий, экологик, фаол, гастрономик ва бошқа турларини ҳоржий аўдитория ўртасида оммашайтириш орқали Ўзбекистоннинг сайёҳлик ҳамда маданий-тарихий жозибдорлигини кучайтириш. Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур: 1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва мўҳр билан тасдиқланган кузатув хати; 2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза; 3. Охириги ўзгариши ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган

ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг Устави (Низомин) нусхаси; 4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганини тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси; 5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади; 6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин. Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 30 миллион сўмгача. Ҳужжатлар 2018 йил 7 июндан 13 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100163, Тошкент шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 43-уй. Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонднинг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ



— Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари хизматидан кимлар имтиёзли фойдаланишига ҳаққи?

Ҳилола САМАДОВА
Жомбой тумани

Саволга ҳуқуқшунос
Гулноза ЙҮЛДОШЕВА
жавоб беради:

— Президентимизнинг 2006 йил 26 февралдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида кўра, чин етимлар, болаликдан ногиронлар, I ёки II гуруҳ ногиронлари, Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар, байналмилалчи жангчилар, Чернобыль атом электр станцияси фалокатини тугатишда иштирок этган ҳамюртларимиз, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилалар вакиллари, ёшга оид пенсияга чиққан ва ишламайдиган фуқаролар, қақирув ко-

миссияларнинг йўлланмаларини олган 18 – 27 ёшли йигитлар, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича: 18 ёшга тўлмаган патологияли болалар; патологияли ҳомиладор аёллар; жинсий йўл билан юқтирилган касалликлар, сиф, эндокрин ёки онкология касалликларига чалинган бемюр республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида бепул даволаниши мумкин. Бунинг учун махсус йўланма (ордер)лар ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан тақдим этилади.

(Еш ҳуқуқшунослар кенгаши билан ҳамкорликда тайёрланди).



2010 – 2020 йиллар “БМТнинг чўлланшига қарши ўн йиллиги” деб эълон қилинган.

BILASIZMI?



Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан никоҳ тузилгани қайда этиш учун 34 минг 448 сўм миқдорда давлат божи ҳамда 25 минг 836 сўм миқдорда Герб йиғими ундирилади.

“TRADE CONSULT SERVICE”

МАСЪУПИЯТИ ЧЕКПАНГАН ЖАМИЯТИ

бошлангич баҳосини босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион 2018 йил 20 июль куни соат 15:00 да бўлиб ўтади.

“VIP SERVICE NBV” ҳисобидан бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:

- 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/623FBA бўлган “Damas”. Бошлангич баҳоси — 25 773 000 сўм.
- 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/621FBA бўлган “Damas”. Бошлангич баҳоси — 25 598 000 сўм.
- 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/620FBA бўлган “Damas”. Бошлангич баҳоси — 25 643 000 сўм.
- 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/767MBA бўлган “Kartiva”. Бошлангич баҳоси — 102 445 000 сўм.
- 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/266VBA бўлган “GA3-33021” юк автомобили. Бошлангич баҳоси — 19 404 000 сўм.
- 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/526FBA бўлган “Toyota Coaster” микроавтобуси. Бошлангич баҳоси — 59 815 000 сўм.
- 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/527FBA бўлган “Toyota Coaster” микроавтобуси. Бошлангич баҳоси — 58 262 000 сўм.
- 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/528FBA бўлган “Toyota Coaster” микроавтобуси. Бошлангич баҳоси — 59 038 000 сўм.

Юқоридаги мулклар 2018 йил 20 июль куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 30 июль, 10 ва 20 август кунлари соат 15:00 да ўтказилади. Талабдорлардан аризалар иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача эълон охирида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси

бошланишидан 1 (бир) иш куни олдин соат 15:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлар “Закалат пули тўғрисидаги қелишув”ни имзолагандан автотранспорт воситаси бошлангич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Trade Consult Service” МЧЖнинг АКБ “Туронбанк” Яшнобод филиали,

МФО: 01083, СТИР: 304454706, 20208000800701688001 ҳисоб рақамига тўлаши ва қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак: аукцион савдосига қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилган тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўлагани ҳақидаги тўлов қорғози. Қўшимча хизматлар кўрсатиш пулли.

шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўлагани ҳақидаги тўлов қорғози. Қўшимча хизматлар кўрсатиш пулли.

Қўшимча маълумотларни Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Бўз-2 кўчаси, 69-уй манзили ёки +998 95 169 55 50 телефон рақами орқали олиш мумкин. Гувоҳнома № 011315.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари (“Yoshlar ovozi”); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари (“Молодежь Узбекистана”); Елена Калинина — масъул котиб (“Молодежь Узбекистана”).

Дизайнерлар
Абдуллаев Хуршид
Ўқтамжонович
Норбоев Жамолитдин
Жуманазар ўғли
Навбатчи
Боборовшан Ғозидинов

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш тахририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга келган кўлбизмалар такрир қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда

Буюк Турон Г-838
Адаби — 21678
Босишга топширилган вақти — 21.00
Топширилди — 21.55
Ушбу йил — 00.30

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5

YOSHLIK ILHOMI

ЁЛҒИЗЛИК

Унинг бутун умри тезоқар сувдек ўтди-кетди. Бунинг ўзи ҳам сезмай қолди. Болаликдан феълӣ чатоқ эди. Уқитувчиларига гап қайтариб, ўзини зўр қилиб кўрсатишга интиларди.

“Бу қилинган ташла”, — деб койирди ота-онаси. У эса: “Ҳали ёшман, ўйнаб-қулишим керак”, — деб баҳона қиларди.

Кейин ўқини тамомлади, рўзгор юки елкасига тушди. Бироқ кўрсатилган сурбети қолмади. Қарга бормасин, панд еди. Бировнинг гапини ўқмади. Кўпга бормай оиласи ҳам барбод бўлди. Мана энди, ҳаммасидан айрилиб, “феълӣ” билан ёлғиз яшамоқда.

Сарвиноз МАМАНОВА

ВАҚТ АМРИ

Қиз чиройда тенги йўқ эди. Ошиқлари кўп эди. Ҳар кунини унинг совчилар келавериб, ҳоли-жонига қўймади. Қиз ҳеч бирини ўзига муносиб кўрмади. Ўзини осмондаги ой, деб билди. Бундай ишонч уни тобора ҳаволантириб юборарди.

Йиллар ўтган сайин қизнинг чиройи барҳам топди, юзи сўлиди, тана-си қариди. У вақтининг бу қадар бешафқатлигини билмаганди...

МАСЪУЛИЯТ

АРЖУМАНДБЕГИМ

Етти боланинг кийимлари оғирлик қилиб узилган дор, уйдан бош олиб кетаётган эркак оёқларига илашиб, уни йиқитди.

ҒОЛИБ

Шоҳрух НАЖОТ

Баъзан узоқ куттишга, баъзида эса, куттиришга тўғри келади. Икки ҳолатда ҳам фақат вақт ютади.

РОБИЯ

Муҳаммадхон ЮСУПОВ

— Эй Худойим! Яқинда туғилган укам ҳам қиз бўлишини хоҳлардим. Шунда бувижоним билан бирга яшардик...


MULOHAZA UCHUN MAVZU

ИСМ ҲАМ ҲУСН

Анабиби РҮЗМЕТОВА

Фарзанд дунёга келгач, ота-она унга, аввало, исм беради. Бу ўта масъулиятли вазифа санаиби, кишидан қунт ва закийликни талаб қилади. Илло, танланган исм маълум маънода боланинг келажагини белгилаб бериши мумкин.

Таассуфки, бугун хорижий фильм ёки сериаллар қаҳрамонларига ҳавас қилиб, фарзандини уларнинг шарафига атаётган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Ҳам кулиб, ҳам ғазабланасан, киши. Айтилик, бир пайтлар ўзбек ўғил-қизларига Эсмеральда, Клара, Жумонг каби ажнабий исмларни қўйиш урф бўлагани. Кейинчалик қоракўларимиз орасида Ранвир ва Ишанилар пайдо бўлди. Аслида бу нафақат аянчи, балки уятли ҳолат. Фар-



зандга берилган исм нафақат ўзи, балки келгуси авлодларига ҳам тегишли бўлишини наҳотки фаҳмламасак?! Тасаввур қилинг-а, набирангизнинг фамилияси Ранвиров ёки Жумонгов бўлса. Бу миллат устидан қулиш, асрий қадриятларини назарга илмай, оёқости қилиш-ку, ахир! Аини долзарб масаллада оиланинг улуғлари бепарво бўлмаслиги, ёшларга ўз ўрнида тўғри

йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳат бермоғи даркор. Баъзилар эгизакларга Тоҳир ва Зухра деб исм қўяди. Бу мулақо нотўғри. Сабаби Тоҳир ва Зухра аслида адабиётимизда ошиқ образлар сифатида гавдаланган. Исм — инсоннинг ҳусни. Шунинг унутмаган ҳолда, жигарбандимизнинг исми жисмига мос, гузал ва фазилатли бўлишига ҳаракат қилайлик.

АЗИЗ МУШТАРИЙ!

Интеллектуал салоҳиятингизни синаб кўриш мақсадлига газетанинг 65-сон (2018 йил 2-июнь)да “Farzand — dilband” кроссворди, 67-сон (2018 йил 7-июнь)да “O‘zbekiston tabiati” ҳамда 70-сон (2018 йил 14-июнь)да “Jahon futbol chempionati” bilimdonlik mashqlarini eʼlon qilgan zamik. Qiyinda ularning javobi bilan taniishingiz mumkin.

“FARZAND — DILBAND” krossvordining javoblari:
Eniga: 1. Shar. 2. Aka. 3. Nur. 5. “Alla”. 10. Aiyq. 13. Kekska. 14. Kuch. 16. Ko'rik. 35. A'lo. 36. Kit. 38. Ona. 40. Lola. 41. Dur.43. Rost.
Bo'yiga: 1. Shashka. 2. Avlod. 3. Nabira. 4. Rahima. 5. Aql. 6. Avj. 11. Quvonch. 12. Chechak. 14. Koptok. 15. Chillak. 16. Ko'k. 17. Kun. 18. “Bulbulcha”. 19. Norasida. 31. Kitob. 32. “Bolajon”. 33. Ingliz.34. “Zumrasha”. 36. Kruzo. 37. “Tomosha”. 38. Oygul. 39. An'ana. 41. Dastyor. 42. Rahmat. 43. Ram. 44. Til. 45. Belanchak. 46. “Boychechak”.

Diagonal bo'yicha: 18. Bog'cha. 45. Beshik.
Zanjir holdida: 7. Hakalakam. 8. Multifilm. 9. Munchoq. 20. Adashboev. 21. Vatan. 22. “Nurali”. 23. Iste'dod. 24. Do'stlik. 25. “Kamalak”. 26. Kutubxon. 27. To'xtaboev. 28. Voynich. 29. Chapak. 30. Kamolot.

“O‘ZBEKISTON TABIATI” bilimdonlik mashqlarining javoblari: MUAMMONOMA. Kalit so'zlar: 1. Nishona. 2. Ravoch. 3. Sher. 4. Buta. 5. Gaz. 6. Suv.

Ibratli so'z: “Tabiatni asrash va bezash insonning burchi”.

CHAYNVORD. 1. Turon. 2. Na'matak. 3. Kanakunjut. 4. Tivit. 5. Tong. 6. Gazli. 7. Isiriq. 8. Qizilqum. 9. Mosh. 10. Shudring. 11. Gamsel. 12. Laylak. 13. Kaku. 14. Ustyurt.

AYLANMA KROSSVORD. Belgilangan xonadan raqam atrofiga soat mili yo'nalishida: 1. Zomin. 2. Bahor. 3. Arxar. 4. Jayra. 5. Shafaq. 6. Saman. 7. Rohat. 8. Anhor. 9. Ra'no. 10. Laqqa. 11. Qulon. 12. Bodom. 13. Kitob. 14. Shivit. 15. Zig'ir. 16. Kiyik. 17. Irmoch. 18. Chinor.

“JAHON FUTBOL CHEMPIONATI” bilimdonlik mashqlarining javoblari:

CHAYNVORD. 1. Urugvay. 2. Yaponiya. 3. Angliya. 4. Avstraliya. 5. “Adidas”. 6. Suares. 7. Stadion. 8. Neymar. 9. Rossiya. 10. Aut. 11. To'p. 12. Pele. 13. Ermatov. 14. Volograd. 15. Durang. 16. Gol. 17. Lami. 18. Ibragimovich. 19. Shelavert. 20. Taym. 21. Misr. 22. Ronaldo. 23. Ochko. 24. Osorio. 25. Ofsayd. 26. Desham. 27. Martines. 28. Stounz. 29. Zidan. 30. Nakamura. 31. Afrika. 32. Alba. 33. Argentina. 34. Akosta. 35. Alanis. 36. Sou.

ОРЗУ-ҲАВАС, ДАБДАБАГА БОРИНГ БЕРИБ, ҚАРЗ КҮТАР!
СУДХҲР ҚҮШНИНГ ФОЙДАСИГА ИШЛАГАН ВАҚТ ТЕЗ УТАР!



Шеъртаъбир муаллифи: Жаҳонгир МИРЗО

МУАССИС

ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИҒОКИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.



БОШ МУҲАРРИР

Каримов Фахриддин Турдалиевич